



РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕКШИРИШДА КРИПТО-ХАМЁНЛАР ҲАМДА БИРЖАЛАРНИНГ ЎРНИ: АМАЛИЙ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Курамбаев Тохир Хосинбаевич

ИИБ Академияси Киберхуқуқ кафедраси бошлиғи,

ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21869945>

Рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашуви фонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш масалалари ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусий кибержиноятлар статистик таҳлилига кўра, 2025 йилда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг 75 фоизи криптовалюталар ҳамда электрон тўлов воситалари айланмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, интранет тизимлари ва виртуаль муҳит жинойй даромадларни легаллаштиришнинг асосий аренасига айланганини кўрсатади [1]. Бундай шароитда тергов ва тезкор ходимлар томонидан рақамли изларни ўз вақтида ва сифатли аниқлаш кибержиноятларни фош этишнинг бош шarti ҳисобланади.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жойлардаги ходимларнинг крипто-активлар соҳасидаги техник воситалар билан ишлашда билим ва малакаси етарли эмас [2]. Хусусан, амалиётдаги энг асосий муаммолардан бири — аксарият амалиётчи ходимларнинг крипто ҳамёнлар ва уларнинг ўзига хос белгиларини (*масалан, Bitcoin (BTC), Ethereum (ETH), Tether (USDT), Tron (TRX)* каби энг кенг тарқалган тизимларни) тўлиқ танимаслигидир. Агар ходим ушбу ҳамёнлардан бирортасини фарқлай олмаса, айтиш мумкин бу битта ҳамён ичида амалга оширилган муҳим жинойй транзакцияларни аниқлаш имконияти бутунлай йўққа чиқади. Шунингдек, амалиётчилар фақатгина Bitget ёки Binance каби бир нечта машҳур платформалардан хабардор бўлиб, бошқа кўплаб халқаро криптобиржалар ва уларнинг транзакцияларини кўздан кечириш бўйича амалий кўникмага эга эмаслиги далилларни йўқотиш хавфини кескин оширади [3].

Бу каби малака ва билимларнинг етишмаслиги бевосита оғир оқибатларга олиб келмоқда. Мисол учун, тезкор-қидирув тадбири давомида гумон қилинувчининг уяли телефони кўздан кечирилганда, экранда Tron (TRX) тармоғига уланган нотаниш крипто-ҳамён ва ундаги йирик миқдордаги USDT маблағлари ҳамда номаълум халқаро биржа ордери аниқланади. Бироқ, тезкор вакил крипто-ҳамёнларнинг белгилари

ва уларни очик блокчейн-сканерлар (Google орқали) орқали текшириш усуллари билмаганлиги, шунингдек, фақатгина Binance'дан бошқа биржалардан хабардор бўлмагани сабабли, мазкур рақамли объектни оддий “илова” сифатида баҳолаб, телефонни шу ҳолида қолдирди. Натижада, транзакциялар занжири ва маблағларнинг ҳақиқий эгаси аниқланмай, жиноий иш очилмай қолади. Бу эса, ўз навбатида гумонланувчига терговдан қочиш ва бошқа бир қанча оғир кибержиноятларни (трансчегаравий фирибгарлик ва жиноий даромадларни легаллаштириш занжирларини давом эттиришни) содир этишга тўғридан-тўғри йўл очиб берди.

Мазкур амалий муаммони бартараф этиш ва рақамли далилларни тўплаш ҳамда текшириш самарадорлигини ошириш мақсадида, Bitget, Binance, Bybit ва бошқа асосий крипто-активлар биржаларининг тўлиқ рўйхатини уларнинг ўзига хос логотиплари билан бирга махсус флайерлар шаклида ишлаб чиқиб, амалиётдаги ходимларга тарқатиш мақсадга мувофиқдир [4].

Юқоридаги таҳлил ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда, рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш амалиётини илмий-амалий жиҳатдан такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча ходимлари учун крипто ҳамёнлар (BTC, ETH, USDT, TRX ва бошқалар) ҳамда халқаро криптобиржаларнинг (Bitget, Binance, Bybit ва ҳ.к.) логотиплари ва таниш белгилари акс эттирилган махсус кўргазмали флайерлар ҳамда амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиб жойларга тарқатиш [5];

2. Тергов ва тезкор ходимлар учун уяли алоқа воситаларидаги крипто ҳамёнларни кўздан кечириш, очик блокчейн манбалари (веб-сканерлар) орқали транзакциялар занжирини мустақил равишда ўқиш ва рақамли изларни процессуал баҳолаш кўникмаларини оширишга қаратилган махсус амалий тренингларни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасининг кибержиноятчилик статистикаси ва таҳлилий маълумотлари. – Тошкент, 2025.
2. Ражабов Б. Рақамли иқтисодиёт ва крипто-активлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш муаммолари. – Тошкент: Ҳуқуқ ва бурч, 2024. – Б. 112-115.



3. Криминалистика ва суд экспертизаси муаммолари: илмий-амалий тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 45-48.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Крипто-активлар айланмаси соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни ва унга шарҳлар. – Тошкент: Адлия вазирлиги, 2023.
5. Карпов Л.Н. Расследование преступлений в сфере компьютерной информации и цифровых активов. – Москва: Юрлитинформ, 2024. – С. 134-138..